

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 338.24:336,5 (575.1)

Раҳматов Ҳасан Ўткирович

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА БАНК  
МЕНЕЖМЕНТИДА АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОАТ «АЛОҚАБАНК» МИСОЛИДА)

08.00.13- «Менежмент ва маркетинг»

Иқтисод фанлари номзоди  
ишлмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011



35813 (1-1012)

P-28

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори  
**Хашимов Акрам Абдиевич.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктgори, профессор  
**Бекмуродов Адхам Шарипович;**  
иқтисод фанлари номзоди  
**Абдуллаев Сайдулло Пархадбекович.**


**Етақчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.**

Ҳимоя 2011 йил "8" июль соат "9<sup>00</sup>" да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д. 067.06.01 рақамли иқтисослашган кенгашнинг мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил "8" июль да тарқатилди

**Иқтисослашган кенгаш**  
**илмий котиби, и.ф.д.,**  
**профессор**  **Б. Б. Беркинов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодиётда пул маблағларининг самарали айланишини таъминлаш, хўжалик субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини тезкор қондириш асосида уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустақамлаш, қўп жиҳатдан, банк тизимини талаб даражасида ривожлантиришга бевосита боғлиқ. Шунингдек, айни пайтда жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатлари ҳам юз берган молиявий-иқтисодий инқироз таъсириги бартараф этиш мақсадида банк тизимини ислох қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек, «...давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсириги эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда»<sup>1</sup>.

Ушбу масалалар ечимидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, банк тизими олдига етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳамда алоҳида банклар ва умуман, банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан илгари силжиб боришини ҳолисона баҳолаш имконини берадиган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш, тижорат банкларининг инвестициявий фаолигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини қўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш каби бир қатор вазифалар қўйилди. Бундан ташқари, қарорда 2011-2015 йиллар оралиғида иқтисодиётнинг реал тармоқлари корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан таъминлаш борасидаги инвестициявий лойиҳалар ҳажмини 2,8 маротабага ошириш, 2011-2012 йиллар оралиғида эса тижорат банклари активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, банк тавakkалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни жорий этиш, захиралар яратиш, кредит портфелини диверсификациялашни йўлга қўйишни назарда тутувчи пухта механизмни жорий этиш белгиланди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> И.А.Қаримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққийти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010 й. – Б. 56

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли қарори.

Фикримизча, мазкур муаммоларни ижобий ҳал этиш, кўп жиҳатдан, банк активларини самарали бошқариш, хусусан, активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни тўғри баҳолаш, жами активлар таркибида даромад келтирувчи активларнинг салмоғини кўлайитириш асосида ички банк ресурслари ҳажмини ошириб бориш, активларни бошқаришнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасида синалган усулларини республикамиз банклари амалиётига жорий этишни тақозо қилади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикамиз банк менежменти назарияси ва амалиётида активларни бошқариш самарадорлигини ошириш масалаларини банкнинг муҳим молиявий кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган тадқиқот ишлари етарли эмас. Олиб борилган тадқиқотларда эса банк активларини бошқариш масалалари, асосан, банкнинг ликвидлиги, кредит самарадорлиги каби кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўрганилган. Аммо банк активларини бошқаришни алоҳида йўналиш сифатида самарадорлигини баҳолаш ва банк молиявий кўрсаткичлари динамикасига таъсири, банк тизимида молиявий таваккалчиликларни бошқариш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Мазкур жиҳатлар танланган тадқиқот мавзусининг айна пайтда долзарблигидан далолат беради ҳамда унинг мақсад ва вазифалари доирасини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари менежментида активларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг айрим назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлардан Дж. Синки, П. С. Роуз, М. Хиггинса, О. И. Лаврушин, В. Платонова, А. Максютлов, А. Алавердов, А. Калтырина, Г. Просветов, А. Смирнов<sup>3</sup> кабиларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган. Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг баъзи ечимлари республикамиз иқтисодчи олимлари М. Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев, Ш. Абдуллаева, Т. Қоралиев, Ф. Додиев, З. Умаркулов<sup>4</sup> каби иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Жумладан, Ш. Абдуллаева томонидан активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш, кредит операциялари самарадорлигини ошириш масалалари, Ф. Додиевнинг илмий асарларида тижорат банклари ликвидлигини

<sup>3</sup> Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг.- М.: Альпина Бизнес Букс. 2007; Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ.-М.: Дело. 1997.-768 с.; Банковский менеджмент. Учебное пособие. Под ред. О.И.Лаврушина.- М.: КНОРУС. 2010.-560 с.; Платонова В., Хиггинса М. Банковское дело: стратегическое руководство. 2-е изд. – М.: «Консалтбанкир», 2001.-432 с.; Максютлов А.А. Банковский менеджмент.-М.: Альфа-пресс. 2007.-444 с.; Алавердов А.А. Стратегический менеджмент в коммерческом банке.-М.: Маркет ДС. 2007.-576 с.; Деятельность коммерческих банков. Учебное пособие. Под ред. А.В.Калтырина.-Ростов н/Д.: «Феникс», 2004.-384 с.; Просветов Г.И. Банковский менеджмент. Задачи и решение.-М.: Альфа-пресс. 2009.-232 с.; Смирнов А.В. Управление ресурсами и финансово-аналитическая работа в коммерческом банке.-М.: ИГ «БД-пресс». 2002.

<sup>4</sup> Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик.-Т.: Ўқитувчи. 2001. – 704 б.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. -Т.: Молиа. 2002.-304 б.; Абдуллаев Ё. Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув кўланма.-Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2009.-548 б.; Додиев Ф. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш // Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2003. - №2. 3-5- б.б.; Умаркулов З. Банк ликвидлигини активлар ва пассивларни бошқаришга таъсири// Бозор, пул ва кредит. - Т.: 2002. - №3. 13-15-бетлар.

бошқариш, З. Умарқулов томонидан эса банк ликвидлигининг активлар ва пассивларни бошқаришга таъсири масалалари ўрганилган.

Бундан ташқари, У. Тухтабаев томонидан тижорат банкларида муаммоли кредитларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, К. Мухамеджанов томонидан тижорат банкларида кредит портфели ва кредит таваккалчилигини пасайтириш, А. Қодиров томонидан тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талабларни такомиллаштириш, О. Абдусаломова томонидан тижорат банклари кредит портфели сифатини баҳолаш муаммоларини ҳал этиш борасида диссертация ишлари бажарилган<sup>5</sup>. Шунингдек, бевосита танланган диссертация мавзуси доирасида Н.Жиянова томонидан бажарилган тадқиқот ишида тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқариш назариялари тадқиқи, актив ва пассивларни бошқаришнинг амалдаги ҳолати ҳамда ривожланиш тенденциялари ўрганилган. Муаллиф томонидан банк активларининг таркибий қисми сифатида қимматли қоғозлар, кредитларга қўйилмалар ҳамининг эконометрик таҳлилига кўпроқ эътибор қаратилган<sup>6</sup>.

Фикримизча, юқоридаги иктисодчи олимлар ва мутахассислар ёндашувларини атрофлича тадқиқ этиш асосида тижорат банкларида активларни бошқариш механизмини такомиллаштириш зарурати мазкур тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** иктисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банклари активларини бошқариш механизмининг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

- тижорат банклари менежментида активларни бошқариш тизими ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- тижорат банклари менежментида активларни бошқариш стратегиясини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш;
- хорижий мамлакатлар банклари активларини бошқариш амалиётини тадқиқ этиш ва республикамиз банклари хусусиятларини инobatга олиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;
- тижорат банклари активларини бошқаришга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

<sup>5</sup> Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Номзодлик диссертацияси автореферати.-Т.: 2007; Мухамеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитным рискам коммерческого банка. Номзодлик диссертацияси автореферати.-Т.: 2010.; Абдусаломова О.Ф. Бозор иктисодиёти паронтида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари. Номзодлик диссертацияси автореферати.-Т.: 2002.; Қодиров А.К. Тижорат банкларида кредит бериш механизмини такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси автореферати.-Т.: 2009.

<sup>6</sup> Жиянова Н.Э. Тижорат банклари активлари ва пассивларини самарали бошқариш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси автореферати.-Т.: 2010. (5-13-бетлар).

– тижорат банклари активларини бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш тизимини тадқиқ этиш;

– тижорат банкларида даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни бошқариш борасида таклифлар бериш;

– тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкилий механизмни такомиллаштириш;

– тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилаш;

– тижорат банкларида активларни бошқаришда мониторингни ташкил этиш борасида услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг активларни бошқариш билан боғлиқ фаолияти.

**Тадқиқот предмети:** тижорат банклари активларини бошқариш жараёни ва у билан боғлиқ иктисодий муносабатлар.

**Тадқиқот методлари.** Диссертацияда иктисодий-математик усуллар, тизимли таҳлил, гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқот гипотезаси.** Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга қўлланилиши тижорат банклари менежментида актив амалиётлар ва улар билан боғлиқ таваккалчиликларни самарали бошқаришга қўмаклашиши мумкин.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

– тижорат банклари менежментида активларни бошқариш механизмни такомиллаштиришнинг назарий асослари;

– тижорат банклари активларини бошқаришнинг молиявий стратегияси ва уни амалга ошириш йўллари;

– хориж тажрибасидаги банк активларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича ёндашувлар;

– тижорат банклари активларини бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш ва пасайтириш йўллари;

– тижорат банклари активларини бошқаришда мониторинг тизимини жорий этишнинг услубий асослари;

– тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини ошириш ва баҳолаш тизими.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

– рақобат шароитида тижорат банклари менежментида активларни бошқариш муаммолари аниқланган;

– тижорат банклари менежментида активларни бошқаришнинг такомиллаштирилган стратегиясини шакллантириш зарурати асосланган ва мазкур стратегияни амалга ошириш услуби ишлаб чиқилган;

– хорижий мамлакатлар банкларида активларни бошқариш амалиётини таҳлил этиш асосида республикамиз банкларида активларни бошқариш механизмни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган;

– тижорат банклари активларини бошқаришнинг ташкилий ҳолати ўрганилган ҳамда унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

– тижорат банклари активларини бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш борасидаги муаммолар аниқланган ва таваккалчиликларни бошқаришнинг такомиллашган услуби таклиф этилган;

– тижорат банкларида активларни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган тоифаларга ажратиб бошқариш услуби тавсия этилган;

– тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар асосланган;

– тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини ошириш имконини яратувчи тавсиялар ишлаб чиқилган;

– тижорат банклари активларини бошқаришда мониторингни ташкил этиш ва ўтказиш бошқичларини такомиллаштирилган услуби таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация иши натижалари, хулоса ва таклифлари тижорат банкларида активларни бошқариш тизими, воситалари ва механизмлари борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар доирасини кенгайтиради.

Тадқиқот ишининг хулоса ва таклифларидан тижорат банклари фаолиятида актив амалиётларни бошқариш механизмини такомиллаштириш, жумладан, активларни бошқариш жараёнига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни баҳолаш, активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш, активларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича ишларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, илмий изланишлар давомида эришилган натижалар тижорат банкларида кредит, фоиз, ликвидлик, таваккалчилик, актив ва пасивларни бошқариш каби ички сиёсатлар, низомлар, тартиблар ҳамда уларни қўлланилиши бўйича услубий тавсия ва курсатмалар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Диссертация натижаларидан тижорат банкларида активларни самарали бошқариш, активлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида фойдаланиш мумкин. Диссертация ишининг амалий тавсияларидан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Банк иши», «Пул, кредит ва банклар», «Банк менежменти», «Молиявий менежмент» каби фанларни ўқитиш жараёни ҳамда банк активларини бошқариш механизмини такомиллаштириш борасида келгусида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертация иши хулосалари, таклиф ва тавсиялари очик акциядорлик тижорат «Алоқабанк» томонидан активларни бошқариш амалиётида фойдаланиш учун қабул қилинган (ОАТ «Алоқабанк» томонидан 2010 йил 14 сентябрда берилган 1-сонли далолатнома).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий гоյлари ва натижалари куйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида илмий маъруза кўриниши баён қилинган ҳамда

маълумланган: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлили такомиллаштириш масалалари» (Тошкент, ТМИ, 2009), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари» (Тошкент, ТМИ, 2010), «Green Growth Strategy of SMEs (Small and Medium sized Enterprises) in the New Silk Road Countries» (Korea, Kumoh National Institute of Technology, 2010).

Тадқиқот иши Тошкент молия институти «Менежмент» ва «Молиявий менежмент» кафедраларининг кенгайтирилган илмий семинари мажлисида, Минтақавий банк укув маркази ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги Д.067.06.01 ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.13.-“Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинарларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари бўйича 10 та илмий мақола ва маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 134 бетни ташкил этиб, унда 9 та жадвал, 18 та расм, 4 та диаграмма келтирилган.

**Диссертациянинг «Тижорат банклари менежментида активларни бошқаришнинг назарий ва услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида тижорат банклари менежментида активларни бошқаришнинг моҳияти, банк активларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш услубияти, банк активларини бошқариш бўйича хориж тажрибаси тадқиқ этилган.

**Диссертациянинг «Тижорат банклари менежментида активларни бошқариш механизминини қўллашнинг амалий масалалари»** деб номланган иккинчи бобида тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкил этилганлик ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш, тижорат банклари активларини самарали бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш, тижорат банклари фаолиятида даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни бошқариш масалалари тадқиқ этилган.

**Илмий ишнинг «Тижорат банклари активларини бошқариш механизминини такомиллаштириш йўллари»** номи учинчи бобида тижорат банклари активларини бошқаришнинг ташкилий механизминини такомиллаштириш, активларни бошқариш самарадорлигини ошириш, тижорат банклари активларини самарали бошқаришда мониторинг тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида тадқиқотлар натижасида олинган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Республикамызда иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда ҳўжалик субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини



қондириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бунда эса молиявий маблағларнинг муҳим манбаси сифатида банк активлари муҳим ўрин тутди.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий қисмиги актив амалиётлари ташкил қилади. Актив амалиётлар банкнинг фойда олиш мақсадида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали жойлаштириши билан боғлиқ жараёнларни қамраб олади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, банклар активлари ҳажмининг ўсиши билан бир қаторда, банк активлари таркибида муаммоли, яъни қайтиши даргумон бўлган активлар ҳажмининг ўсиши, банк активларининг муайян соҳага йиғилиб қолиши натижасида активлар таваккалчилиги даражасининг ортиши, банкда даромад келтирмайдиган активлар ҳажмининг меъёр даражасидан ошиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимоли ҳам ортади.

Фикримизча, бундай шароитда банкларда самарали менежмент тизими, яъни мақбул бошқарув механизмини ривожлантириш асосий масалалардан ҳисобланади.

Банк менежменти молиявий менежментнинг асосий бўғини сифатида ўзида банк фаолиятини самарали ташкил этиш, бошқариш ва истиқболли ривожлантиришнинг аниқ механизмини қамраб олади. Замонавий банк менежменти тизими банкни ривожлантириш, молия инструментларини ҳамда ҳудудларда банк тармоқларини кенгайтириш, рақобат сиёсатини тўғри йўлга қўйиш, мулоқот стратегиясини ривожлантиришни самарали бошқаришга оид муносабатларни мужассамлаштиради.

Банкларда активларни бошқариш масалалари банк менежментининг асосий йўналиши саналади. Бунда банк менежментининг муҳим унсурларидан ҳисобланган режалаштириш, таҳлил (мониторинг), мувофиқлаштириш, назорат (баҳолаш) тамойиллари банк активларини бошқаришнинг ташкилий асосларини ифодалайди. Шунингдек, банкларда активларни бошқариш тизими пассивлар, ликвидлик, самарадорлик, ходимларни бошқариш каби банк менежментининг таркибий қисмлари билан чамбарчас боғланган. Диссертацияда булардан ташқари, банк активларини бошқаришда стратегик, таваккалчилик, сифат, маркетинг, инновация каби менежментнинг турли усулларидан фойдаланиш зарурати асослаб берилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикамиз тижорат банклари бошқарувида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ўларок, тижорат банкларининг активлари ҳажми ошиб бормоқда. Хусусан, 2010 йил якунига кўра жами банк активлари 2009 йилдагига қараганда 32,1%га ўсиб, 20,7 трлн. сўмни ташкил этди<sup>7</sup>.

Шу ўринда, тадқиқот объекти ҳисобланган ОАТ «Алоқабанк» ҳам ўз активларини кўпайтириш орқали молия бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, хусусан, ўзининг ресурс салоҳиятини ошириш, оқилона таваккалчилик ва самарали бошқариш услубларини уйғунлаштирувчи ривожлантириш

<sup>7</sup> Банк тизими: иқобий ўзгаришлар мустаҳкамланмоқда. «Банк ахборотномаси» газетаси, 2011 йил 26 январь, №4 (767).-Б. 1-7.

сиёсатини олиб бормоқда. Банк мижозлари таркибининг салмоқли қисмини ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳаси корхоналари ташкил этади.

ОАТ «Алоқабанк»да актив амалиётларни кенг миқёсда ривожлантириш натижасида банкнинг жами активлари миқдори 01.01.2007 йил ҳолатига 51208,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 01.01.2011 йилда 338 676,8 млн. сўмни ташкил этди (1-жадвал) ёки ушбу даврда банк активлари 6,6 мартага кўшайган.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ОАТ «Алоқабанк» активлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси, млн сўмда<sup>8</sup>


Кўрсаткичлар	01.01.2007	01.01.2008	01.01.2009	01.01.2010	01.01.2011
Пул маблағлари ва унинг эквивалентлари	17 669,0	45 532,4	92 819,5	64 811,5	108 523,4
Кредит маблағлари	21 610,0	48 292,1	62 032,8	120 230,2	129 591,7
Молиявий активлар	1 677,3	948,2	28 747,6	34 621,1	46 694,1
Асосий воситалар ва номоддий активлар	143,8	4 932,6	10 700,3	5 829,8	12 598,3
Бошқа активлар	10 107,9	1 474,5	2 224,8	13 064,0	41 268,8
<b>Жами активлар</b>	<b>51 208,0</b>	<b>101 179,8</b>	<b>196 525,0</b>	<b>238 556,6</b>	<b>338 676,3</b>

1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, ОАТ «Алоқабанк»да активлар ҳажмининг кескин ўсиш тенденцияси 2009 йилдан бошлаб кузатилган. Ушбу банкнинг 2010 йилда шаклланган жами активларининг 38%идан ортиги кредит маблағларидир. Бу ҳолат эса банкнинг юқори инвестиция имкониятига эга бўлган молиявий институтга айланаётганлигини кўрсатади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, банк активларини бошқариш, активларнинг самарадорлик даражасини сақлаб туриш, актив операциялар ҳажмини ошириб бориш банкларни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Бундай вазиятда банк активларини тўғри бошқариш орқали банкнинг ресурслар базасини мустаҳкамлаш, актив амалиётларни кўшайтириш асосида банк даромадини ошириш талаб қилинади. Бундан ташқари, молия бозорида банкларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, мижозлар, акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини тўлиқ қафолатлай оладиган банк механизмини шакллантириш, кўп жиҳатдан, банкларда активлардан самарали фойдаланиш, харажатлар самарадорлигини ошириш каби бир қатор ички имкониятлардан кенг фойдаланишни талаб этади.

Активларни бошқаришда асосий эътибор таваккалчиликнинг энг паст даражаси шароитида даромадлар ва харажатлар орасидаги ижобий фарқни мумкин қадар ошириш ёки уни жуда бўлмаганда барқарор даражада сақлаб туришга қаратилиши зарур. Шу сабабли, тижорат банкларида активларни бошқариш механизмини қуйидаги тартибда ифодалаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-расм):

<sup>8</sup> Жадвал ОАТ «Алоқабанк»нинг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида тузилган.



**1-расм. Тижорат банклари менежментда активларни бошқариш механизми<sup>9</sup>**

1-расмда қайд этилганидек, тижорат банкларида активларни бошқариш механизмини такомиллаштиришда активларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш асосий масалалардан биридир. Тижорат банкларида активларни самарали бошқаришдан асосий мақсад ишлаб чиқилган стратегия (кредит, фонд, инвестиция сиёсати кабилар) асосида ўз ва жалб қилинган маблағлар нисбати ўртасидаги ижобий мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади.

Банкнинг пухта белгиланган ва аниқ амалга ошириш тизимини ифодаловчи стратегияси молия бозоридаги рақобатда устуликка эришишнинг асосий мезонидир. Банк стратегияси банк фаолиятини ривожланишини ҳал этиш имконини берувчи мақсад ва вазибалар тизими, уларни амалга ошириш учун қўлланиладиган восита ҳамда услубларни қамраб олади. Банкнинг белгиланган стратегиясидан келиб чиқиб, аниқ стратегик мақсадлар ишлаб чиқилади.

<sup>9</sup> Расм муаллиф тадқиқотларини асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, айрим банкларда ишлаб чиқилган ривожланиш стратегияси тезкор ўзгараётган замонавий бозор талабларини тўлиқ қамраб олмаган. Бу эса кўпчилик ҳолларда банк тизимида муаммоларнинг юзага келишига, баъзан эса банкларнинг зарар кўриб ишлаш хавфини туғдирмоқда. Фикримизча, мазкур ҳолатнинг юзага келишига банкларда ҳар томонлама ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш малакаси ва амалиётига эга бўлган мутахассисларнинг етишмаслиги, банкда стратегияни ишлаб чиқиш учун зарур маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги, хусусан, хорижий ва республика банклари фаолиятидаги ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш, молия бозоридаги бошқа рақобатчилар томонидан қўлланилаётган стратегияни чуқур ўрганилмаслиги, банк раҳбариятининг амал қилаётган жорий стратегиянинг афзалликлари билан чекланган ҳолда, истиқболли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга кизиқиш билдирмаслиги, натижада эса стратегияни шакллантиришда молиявий муаммоларнинг юзага келиши, банк раҳбарияти томонидан ходимларнинг инновацияга бўлган ташаббусларини қўллаб-қувватланмаслиги ва рағбатлантирилмаслиги, айрим тижорат банкларида, асосан, юқори даромад келтираётган йўналишлар бўйича (масалан, актив операциялар) стратегияларни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги, аммо маркетинг, ходимлар мотивацияси, хавфсизлик каби соҳаларда стратегик изланишлар кам олиб борилаётганлиги кабилар сабаб бўлмоқда.

Банк тизими ривожланишининг асосий негизини актив операциялар ташкил қилади. Шу сабабли, кўпчилик банклар менежментда активларни бошқариш стратегиясига алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, активларини бошқариш стратегияси молиявий стратегиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, уни ишлаб чиқишда банк молиявий барқарорлигига фаол таъсир этувчи омиллар таҳлили зарур бўлади. Банк менежментда активларни бошқариш стратегияси – стратегияни танлаш, ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва натижаларини баҳолаш каби жараёнлардан ташкил топади.

Фикрларимизни умумлаштирганимизда, банк активларини бошқариш стратегияси активларни самарали бошқариш механизмининг тўлиқ татбиқ этган ҳолда, банкнинг ликвидлиги ва даромадлигининг оптимал даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, таваккалчиликдан йўқотиш даражасини энг кам даражада бўлишини таъминлаш, банк активларининг сифатини янада яхшилаш мақсадида даромад келтирувчи активларни бошқарма-бошқарч ошириб боришни таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўриш, банк пасивларини даромадлилик даражаси юқори бўлган активларга жойлаштириш асосида кредитлар айланмасини ошириш, банкнинг таваккалчиликка тортилган активларини доимий диверсификация қилиб борилишини таъминлаш, мижозларнинг молиявий фаолияти банкнинг асосий кўрсаткичларига тўғридан-тўғридан таъсир этишини инобатга олиб, банк томонидан хизмат кўрсатилувчи мижозларнинг молиявий ҳолатлари, жумладан, уларнинг фаолиятлари бўйича пул оқимлари, кредитга лаёқатлилиги даражаси, ликвидлиги, асосий молиявий натижалари устидан

тезкор кузатувни ташкил қилиш услубини шакллантириш, банк молиявий ҳолати устидан назорат қилишнинг энг қулай ва содда механизмини яратиш каби масалаларни ҳал этиш имкониятларини юзага келтириши лозим.

1-расмда келтирилган тартибда активларни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган тоифаларга ажратиб бошқариш – банк томонидан сарфланган маблағларнинг самарадорлигини, активлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш зарурати билан ифодаланади (1-диаграмма).

1-диаграмма

**ОАТ «Алоқабанк»нинг даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлари ҳажмини ўзгариш динамикаси, (Фойзда %)<sup>10</sup>**



Фикримизча, активларни даромадлигига қараб бошқариш банк даромадлигини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул қилиш, банк жами активлари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; республикада ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри тақсимлаш каби бир қатор масалаларни ечиш имконини беради.

Тижорат банкларида даромад келтирувчи активларни бошқариш усул ва воситалари банк кенгаши томонидан тасдиқланган ички сиёсатларда белгиланади ҳамда банклар томонидан кредит таваккалчиликларини пасайтириш ва актив операцияларнинг даромадлигини ошириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуасини ифода этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк менежментида таваккалчиликларни самарали бошқариш ва баҳолаш асосий йўналишлардан саналади, чунки тижорат банкларининг ҳар қандай соҳаси таваккалчилик билан бевосита боғланган. Шу сабабли, таваккалчилик концепцияси банкларнинг дастлабки шаклланиш давридан бошлаб такомиллашиб келмоқда.

<sup>10</sup> Диаграмма ОАТ «Алоқабанк»нинг йиллик молиявий ҳисоботлари асосида гузилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпгина банкларда активлар бўйича таваккалчиликларни бошқариш борасида айрим муаммолар mavjud. Улар сирасига банкларда таваккалчиликни бошқариш билан шуғулланувчи бўлимларда тегишли ходимларнинг таваккалчилик менежментини ташкил этиш борасида малакасининг етарли эмаслиги ёки аксарият ҳолларда ходимлар етишмовчилигининг mavjudлиги, таваккалчилик банкнинг барча бўлимлари фаолиятига алоқадорлиги сабабли, таваккалчиликни бошқаришнинг банк бўлимлари бўйича мувофиқлаштирилган механизми йўлга қўйилмаганлиги, банкларда асосан кредит таваккалчилигини бошқариш (кредит мониторинги, кредит операциялари аудити ва ҳ.к.) масалаларига эътибор қаратилиб, таваккалчиликнинг бошқа турлари (валюта, бозор, инвестиция ва бошқалар)га етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги, таваккалчиликни бошқариш бўйича халқаро амалиётда синалган усулларни амалиётга кенг жорий этилмаётганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Фикримизча, ушбу муаммоларни хал этиш банкларда активлар бўйича таваккалчиликни бошқаришнинг тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади (2-расм):



2-расм. Тижорат банкларида активлар бўйича таваккалчиликларни

## **бошқариш тизимини ташкил этишнинг тавсия этилаётган услуби<sup>11</sup>**

Таклиф этилаётган тизим банклар фаолиятида активларни бошқариш бўйича таваккалчиликларни юзага келиш манбалари ва сабаблари турли хил бўлганлиги банкнинг барча бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, хусусан, банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсатида белгиланган талаблар банкнинг бир нечта бўлинмалари томонидан бажарилишини таъминлайди.

Диссертацияда активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида тижорат банкларида таваккалчиликларни бошқариш, кредит, инвестиция, фоиз, ликвидлик каби ички сиёсатларни мукаммаллаштириш борасида бир қатор тавсиялар берилган.


Бозор шароитида тижорат банкларида активлар бўйича таваккалчиликларни пасайтириш ва уларнинг таъсир даражасини баҳолашда мониторинг тизими муҳим ўрин тутди. Шунингдек, банк активларини самарали бошқаришда мониторинг тизими назоратдан четда қолаётган жиҳатларни тизимли ўрганиш, активлар бутлигини кафолатловчи механизмни шакллантириш имконини беради.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, айрим тижорат банкларида масъул ходимлар томонидан активлар сифатига салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф этиш чоралари етарлича кўрилмаётганлиги, амалга оширилаётган актив операциялар бўйича дастлабки мониторингни аксарият ҳолларда юзаки ташкил этилиши сабабли активларнинг қайтмаслик таваккалчилиги даражасининг юқорилиги, самарали фоиз сиёсатини шакллантириш борасида камчиликлар мавжудлиги сабабли, банк даромадлари харажатларни қоплай олмаётганлиги; кўпчилик ҳолатларда эса кредитларни тасдиқланган бизнес режада кўрсатилган мақсад бўйича йўналтирилмаслиги, кафиллик берувчи юридик ва jisмоний шахслар молиявий аҳволи тўғрисида маълумотларни тўлиқ ўрганилмаётганлиги ва кафил ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари тўлиқ талаб қилиб олинмаслик ҳолатлари мавжудлиги активларни бошқаришда уларнинг сифат мониторингига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилмоқда.

Айни пайтда тижорат банкларида кредитларни муаммога айланиш эҳтимолини пасайтириш мақсадида масъул бўлинмалар фаолияти халқаро андозалар талабларига мувофиқлаштирилмоқда. Аммо шу билан бирга, айрим тижорат банкларида олдинги даврларда зарур мониторингни амалга оширмасдан жойлаштирилган активларни бугунги кунга келиб қайтарилишининг муаммога айланмоқда. Фикримизча, ушбу муаммолар қайтарилишини олдини олиш ва активларнинг таваккалчилик даражасини минималлаштириш мақсадида ажратилган активларнинг ўз муддатларида қайтарилишини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш зарур (3-расм).

<sup>11</sup> Расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Банк томонидан мижозга активлар жойлаштирилган кундан бошлаб уларнинг сўнгги қисми қайтарилгунча доимий мониторинг ўрнатиш зарур.



**3-расм. Тижорат банклари активларини бошқаришда мониторинг ўтказишнинг тавсия этилаётган услуби<sup>12</sup>**

Тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Мавжуд иқтисодий адабиётлар ва бошқа манбаларда активлар самарадорлигини баҳолашда умумлашган кўрсаткичлар гизимидан фойдаланиш (коэффициентли усуллар), статистик-математик усуллар ва махсус дастурлаш моделлари қўлланилади.

<sup>12</sup> Расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



Тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини аниқлашнинг умумлашган кўрсаткичлар тизими ниҳоятда кенг қамровлидир. Мазкур тизим активларнинг харажатлар, пассивлар, банк капитали, молиявий нагижалар, таваккалчиликлар каби кўпгина кўрсаткичлар билан алоқадорлигини ифодалайди. Бунда активлар рентабеллиги (ROA), молиявий дастак коэффициенти, соф фоиз маржаси, кредит таваккалчиликларидан ҳимоялаш коэффициенти, жами жойлаштирилган кредит қўйилмалари таркибидаги муддати ўтган кредитлар улуши каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, активларни бошқариш самарадорлигини баҳолашда статистик-математик усуллардан ҳам кенг фойдаланиш зарур. Ушбу усуллар асосида активлардан қутилаётган йўқотиш даражаси, даромад келтирувчи активларнинг айланиш тезлиги, активлар бўйича фоизларнинг ўртача меъёри каби бир қатор муҳим кўрсаткичларни аниқлаш имконияти мавжуд. Жумладан, тижорат банкларида кредитларнинг айланиш тезлиги активлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, мазкур кўрсаткични қуйидаги формулалар орқали ҳисоблашни тавсия этамиз<sup>13</sup>.

1) Ўзгарувчан таркибли кредитларнинг ўртача айланиш индекси ( $I_{\text{ак}}$ ):

$$I_{\text{ак}} = \frac{\bar{n}_1}{\bar{n}_0} = \frac{\sum O_{n1}}{\sum \bar{O}_1} / \frac{\sum O_{n0}}{\sum \bar{O}_0}, \Delta \bar{n} = \bar{n}_1 - \bar{n}_0,$$

бу ерда,

$\bar{n}_0, (\bar{n}_1)$  - ўтган (жорий) йилда ажратилган кредитларнинг ўртача айланиш сони  $\bar{n} = O_n / \bar{O}$ ;

$O_{n0} (O_{n1})$  - ўтган (жорий) йилда сўндирилган кредитлар айланмаси;

$\bar{O}_0; (\bar{O}_1)$  - ўтган (жорий) йилда ўз муддатида қайтарилмаган кредитларнинг ўртача қолдиғи,

$\Delta$  - кўрсаткичларнинг жорий йилдаги ўзгариш миқдори;

$\bar{n}_1 (\bar{n}_0)$  - сўндирилган кредитларнинг суммаси ўтган (жорий) йилларда.

Мазкур кўрсаткич кредитларнинг ўртача айланиш сонига кредитларни соҳалар бўйича айланиши ва кредитлар ўртача қолдиғи таркибини ўзгариши каби омиллар таъсирини ифодалайди.

2) Соҳалар бўйича кредитларнинг ўртача айланиш индекси ( $I_{\text{сб}}$ ):

$$I_{\text{сб}} = \frac{\sum n_1 \bar{O}_1}{\sum \bar{O}_1} / \frac{\sum n_0 \bar{O}_1}{\sum \bar{O}_1} = \frac{\sum n_1 \bar{O}_1}{\sum n_0 \bar{O}_1} = \frac{\sum O_{n1}}{\sum n_0 \bar{O}_1}, \Delta^{сб} \bar{n} = \bar{n}_1 - \bar{n}_0', \text{ бунда, } \bar{n}_0' = \frac{\sum n_0 \bar{O}_1}{\sum \bar{O}_1}.$$

Ушбу кўрсаткич кредитларнинг ўртача айланиш сонини кредитларнинг соҳалар бўйича айланувчанлиги ҳисобига ўзгаришини ифодалайди.

Бундан ташқари, тижорат банклари амалиётида активларни бошқаришда маблағлар умумий жамгармаси, активларни тақсимлаш, чизикли дастурлаш моделларидан ҳам фойдаланилади.

Аммо тижорат банкларида чизикли дастурлаш модели бўйича техник топшириқларни тайёрлаб берувчи малакали ходимлар етишмаслиги сабабли,

<sup>13</sup> Просветов Г.И. Банковский менеджмент. Задачи и решение. -М.: Альфа-пресс. 2009.-232 с.

яратилган дастурлардан активлар самарадорлигини аниқлаш имкониятлари паст даражада эканлиги, дастурлар кўпроқ филиалларнинг ўхшаш ҳисоб рақамлари бўйича маълум давр оралиғидаги маълумотларни статистик йиғишга мўлжалланганлиги, айрим банкларда эса таркибий таҳлил етарлича йўлга қўйилмаганлиги сабабли, активларнинг таркибий ўзгаришлари зарур даражада таҳлил қилинмаётганлиги муаммоси мавжуд. Фикримизча, тижорат банкларида ушбу муаммоларни тезкор ҳал этиш активларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубини янада такомиллаштиришга кўмаклашади.

## ХУЛОСА

1. Бозор муносабатлари шароитида молия бозоридаги кескин рақобат тижорат банкларига ўз ресурсларини кўпайтириш, иқтисодиётнинг реал секторини узоқ муддатли кредитлаш асосида республика иқтисодиётида банк тизимининг ролини оширишни талаб қилади. Бу масалаларнинг ечимлари эса тижорат банкларида активларни самарали бошқариш механизмини жорий этишга бевосита боғлиқ.

Фикримизча, тижорат банкларида активларни самарали бошқариш зурурати банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар самарадорлиги ва уларнинг ликвидлилик даражасини ошириш, даромад келтирмайдиган активларни оптимал даражада қисқартириш орқали банк активларининг сифатини яхшилаш; жалб қилинган ресурслар ва жойлаштирилган активлар ўртасидаги ижобий мутаносибликни сақлаб туриш; банк активларининг кенг миқёсда диверсификациясини амалга ошириш орқали уларнинг таваккалчиликка берилувчанлигини минимал даражада ушлаб туриш кабилар билан ифодаланади.

2. Тижорат банкларида актив операцияларнинг самарадорлигини ошириш, активлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиб боришда активларни маълум хусусиятларига қараб таснифланишини талаб этилади. Банк назарияси ва амалиётига оид ишланмалар, адабиётлар ва қонунчилик маълумотларини таҳлил қилиш натижасида банк активларини даромадлилик даражасига, ликвидлилик даражасига ва таваккалчилик даражасига қараб таснифлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Активларни тўғри таснифланиши тижорат банклари жами активлари таркибиде сифатсиз активларни тўшланиб қолиши, муаммоли активлар кўпайишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, активларни таснифланиши кенг миқёсда активлар диверсификациясини амалга ошириш имконини яратади.

3. Тадқиқотлар натижасининг кўрсатишича, республикаимиз банклари амалиётида активларни самарали бошқариш бу борада хориж тажрибасини таҳлил қилиш, чет мамлакатлар банкларида қўлланилаётган активларни бошқариш усулларини тадқиқ этишни тақозо этади. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида кечаётган молиявий инқироз сабабларини ўрганиш ҳам бевосита айрим йирик мамлакатлар амалиётида банк активларини бошқаришга эътиборсизлик билан ёндашилганлигини исботлайди.

4. Тижорат банклари амалиётида замонавий хизмат турларини кўпайиши, шунингдек, актив операциялар ҳажмининг ортиши банклардан активларни даромадлилигига қараб таснифлаган ҳолда бошқаришни талаб қилади. Умуман олганда, банк даромадлилигини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул қилиш; банк жами активлари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; республикада ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри тақсимлаш каби жиҳатлар активларни даромадлилигига қараб бошқаришни тақозо этади.

5. Тижорат банкларида актив операцияларни самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти, бу – уларни бошқаришда таваккалчиликлар билан боғлиқ ҳолатларни тўғри баҳолай олиш ҳисобланади.

Диссертацияда шу нуқтага назардан тижорат банкларида таваккалчиликларни бошқариш борасидаги муаммолар кўрсатиб берилди. Шунингдек, мазкур муаммолар ечимидан келиб чиқиб, активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш жараёнини таваккалчиликни идентификациялаш ва юзага келиш шароитларини аниқлаш, таваккалчилик мониторингини амалга ошириш, таваккалчиликни банк фаолиятига таъсирини баҳолаш, таваккалчиликни пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш каби бир нечта босқичларга ажратиш тавсия этилди. Бундан ташқари, тадқиқотда тижорат банкларида актив операциялар бўйича таваккалчиликларни асосий қисми кредит таваккалчиликларига тўғри келишини ҳисобга олиб, мазкур таваккалчиликларни бошқариш услуги таклиф этилди.

6. Банкларда активларнинг самарадорлик ва сифат даражасини ошириш уларни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, диссертация ишида банк активларини бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштирилиши банк активларни бошқариш борасидаги ички сиёсатлар (кредит, фоиз, инвестиция ва бошқалар) талабларини бажарилишини таъминловчи механизмини ташкил қилиш, банкда даромад олишга қаратилган ва минимал таваккалчиликка эга бўлган активлар портфелини шакллантириш, таъсирчан мониторинг механизмини жорий этиш, муддати келган кредитларни сўндириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш, самарали актив операциялар ҳажмини кўпайтиришни таъминлаш, молия бозорини таҳлил қилган ҳолда кредитлаш амалиётига халқаро стандартларга жавоб берадиган прогрессив усулларни жорий қилиш, Ҳукумат ва Марказий банк томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил этиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш, мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан актив операцияларга белгилаган меъёрларга қатъий

амал қилинишини таъминлаш, юзага келган муаммоли активлар билан ишлагани ташкил этиш ва уларни ҳал қилиш ҳамда олдини олиш юзасидан қарорлар қабул қилиш каби бир қатор муаммоларни ҳал этиш имконини яратиши асослаб берилган ҳамда бу борада бир қатор тавсиялар берилган.

7. Рақобат шароитида тижорат банкларида активларни даромадлиликлари даражасини ошириш уларни бошқариш самарадорлигини яхшилашни талаб этади. Тадқиқотда тижорат банкларида активларнинг бошқариш самарадорлигини оширишни, банкларда активларни бошқариш сиёсатини такомиллаштириш, активлар бўйича таваккалчиликни бошқариш механизминини такомиллаштириш, жалб қилинган депозитларни даромад келтирувчи активларга тўғри жойлаштириш, банкда мижозларни бошқаришнинг самарали механизминини жорий этиш, тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизиминини такомиллаштириш, актив амалиётларнинг диверсификациясини амалга ошириш каби йўналишларда олиб бориш таклиф этилган.

Диссертацияда банк активларинини бошқаришда таваккалчиликларни бошқариш механизминини такомиллаштириш зарурати асосланган. Шу сабабли, ишда тижорат банкларида активлар бўйича таваккалчиликларни бошқариш ички тизиминини ташкил этишнинг такомиллашган услуби таклиф этилган. Хусусан, ушбу услуб тизимини ишлаш механизминини шакллантириш, тизим фаолиятинини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш, тизим фаолияти натижаларинини баҳолаш (ҳисоботларни муҳокама қилиш) каби таркибий қисмларга ажратилган.

8. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида активлар сифатинини яхшилаш, қайтарилмаган кредитларни ундириш банк активларинини мониторингинини тўғри ташкил этишни талаб қилади. Банк томонидан жойлаштирилган активларнинг мониторингинини икки усул: бевосита мижоз иштирокида мониторинг (жойларга чиққан ҳолда) ва банк ходимлари томонидан мижозни иштирокисиз (масофавий) назорат орқали амалга оширилиши мумкин.

Ишда берилган кредит маблағлари бўйича, лизинг ва факторинг маблағлари бўйича, инвестиция лойиҳалари асосида жойлаштирилган маблағлар бўйича, банк эҳтиёжи учун олинган қимматликлар бўйича амалиётлар мониторингинини ташкил этиш борасида тавсиялар берилган. Бундан ташқари, диссертация ишида активлар мониторингинини ишчи гуруҳи ва унинг дастуринини тузиш, мониторинг ишларинини амалга ошириш, мониторинг натижаларинини баҳолаш каби босқичларинини такомиллаштириш борасида таклифлар келтирилган.

## ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Раҳматов Ҳ. Ў. Активларни самарали бошқариш // Ўзбекистон кишлок хўжалиги.-Тошкент, 2009.-№12.-Б.31.
2. Раҳматов Ҳ. Ў. Эффективное управления активами - важное направления развития банковской системы // Вопросы экономических наук.-Москва, 2009.-№6.-С. 147-148.
3. Раҳматов Ҳ. Ў. Барқарор банк тизимини шакллантиришда тижорат банклари активларини бошқаришнинг муҳим масалалари //Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, ТМИ, 2009 йил 12 декабрь.-Б. 243-246.
4. Хошимов А. А., Раҳматов Ҳ. Ў. Банк активларни бошқаришда ликвидликни таъминлашнинг аҳамияти // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари: республика илмий-амалий анжумани материаллари.-Тошкент, ТМИ, 2010 йил.-Б. 173-175.
5. Rahmatov H. U. Effective management of bank assets during financial crisis // The 8th Int`I Joint Conference «Green Growth Strategy of SMEs». Korea, Kumoh National Institute of Technology, 2010.-P. 275-276.
6. Раҳматов Ҳ. Ў. Банк активларини бошқаришда активларни мониторинг тизимини такомиллаштириш // Ўзбекистон кишлок хўжалиги.-Тошкент, 2010.-№10.- Б. 37.
7. Раҳматов Ҳ. Ў. Кичик бизнес ва тадбиркорлик // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, ТМИ, 2004 йил 24-25 ноябрь. Б.233.
8. Раҳматов Ҳ. Ў. Банк активларини бошқаришда хатарларни баҳолаш //Бозор, пул ва кредит.-Тошкент, 2010.-№10.- Б. 32.
9. Раҳматов Ҳ. Ў. Банк активларини бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш масалалари // Биржа Эксперт.-Тошкент, 2010.-№11-12.-Б. 35.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Раҳматов Хасан  
Ўткировичнинг 08.00.13-“Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича  
«Иқтисодий эркинлаштириш шароитида банк менежментида активларни  
бошқариш механизмини такомиллаштириш (ОАТ «Алоқабанк» мисолида)»  
мавзусидаги диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** тижорат банки, банк менежменти, стратегик менежмент, таваккалчилик менежменти, банк активлари, ликвидлик, кредит, кредит портфели, банклараро кредит, факторинг, банк активларини бошқариш стратегияси, даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлар, банк ички сиёсатлари, банк активларини бошқариш самарадорлиги, банк активларини бошқариш мониторинги.

**Тадқиқот объекти:** очик акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг активларни бошқариш билан боғлиқ фаолияти.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодий эркинлаштириш шароитида тижорат банклари активларини бошқариш механизмининг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методлари:** гуруҳлаш, таққослаш, иқтисодий-статистик, тизимли таҳлил, индукция ва дедукция.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** рақобат шароитида тижорат банклари менежментида активларни бошқариш муаммолари аниқланди; тижорат банклари активларини бошқаришнинг такомиллаштирилган стратегиясини шакллантириш зарурияти асосланди ва мазкур стратегияни амалга ошириш услуби ишлаб чиқилди; тижорат банклари активларини бошқаришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни баҳолаш тизими таклиф этилди; тижорат банклари активларини бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш борасидаги муаммолар аниқланди ва таваккалчиликларни бошқаришнинг такомиллаштирилган услуби таклиф этилди; тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар асосланди; тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини ошириш имконини яратувчи тавсиялар ишлаб чиқилди; тижорат банклари активларини бошқариш тизимида мониторингни ташкил этишнинг такомиллаштирилган услуби таклиф этилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ишида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банкларида активлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертация ишининг илмий таклиф ва амалий тавсиялари очик акциядорлик тижорат «Алоқабанк» тизимида активларни бошқариш механизмини такомиллаштириш жараёнига татбиқ этиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Банк иши», «Пул, кредит ва банklar», «Банк менежменти», «Молиявий менежмент» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** тижорат банклари активларини бошқариш.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Рахматова Хасана Уткировича на тему:  
«Совершенствование механизма управления активами в банковском менеджменте в условиях либерализации экономики (на примере ОАК «Алокабанк»)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

**Ключевые слова:** коммерческий банк, башковский менеджмент, стратегический менеджмент, риск менеджмент, банковские активы, ликвидность, кредит, кредитный портфель, межбанковский кредит, факторинг, стратегия управления банковскими активами, доходоприносящие и не доходные активы, внутрибанковские политики, эффективность управления банковскими активами, мониторинг управления банковскими активами.

**Объект исследования:** деятельность по управлению активами Открытого Акционерно-коммерческого «Алокабанка».

**Цель работы:** Разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию научно-методических основ и механизмов управления активами коммерческих банков в условиях либерализации экономики.

**Методы исследования:** группировка, сравнение, экономико-статистический и системный анализ, индукция и дедукция.

**Полученные результаты и их новизна:** выявлены проблемы управления активами коммерческих банков в условиях конкуренции; обоснована необходимость формирования усовершенствованной стратегии управления активами коммерческих банков и разработана методика реализации данной стратегии; предложена система оценки внутренних и внешних факторов, влияющих на управление активами коммерческих банков; выявлены проблемы оценки рисков в системе управления активами коммерческих банков и предложена усовершенствованная методика управления рисками; обоснованы предложения по совершенствованию организационного механизма управления активами в коммерческих банках; выработаны рекомендации по повышению эффективности управления активами коммерческих банков; предложена усовершенствованная методика организации мониторинга в системе управления активами коммерческих банков.

**Практическая значимость:** полученные в процессе исследования научные предложения и практические рекомендации могут быть использованы при разработке мер, направленных на повышение эффективности использования активами коммерческих банков.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Научные предложения и практические рекомендации диссертационной работы приняты для внедрения в процессе совершенствования механизма управления активами в системе ОАК«Алокабанк». Материалы диссертации могут быть использованы в совершенствовании учебных программ курсов «Банковское дело», «Деньги, кредит и банки», «Банковский менеджмент», «Финансовый менеджмент» и в процессе их преподавания в высших учебных заведениях.

**Область применения:** управление активами коммерческих банков.

## RESUME

**Thesis Rahmatov Khasan Utkirovich on scientific degree competition of the candidate of economic sciences, specialty 08.00.13 – “Management and Marketing” subject: “Improving of asset management mechanism in bank management in the conditions of economic liberalization (the case OJSC “Aloqabank”)”**

**Keywords:** commercial bank, bank management, strategic management, risk management, bank assets, liquidity, credit, credit portfolio, interbank credit, factoring, bank assets management strategy, income generating assets and non-income assets, internal bank policies, effectiveness of bank assets management, monitoring of bank assets management.

**Subject of research:** asset management activities of the Open Joint-Stock Commercial "Aloqabank".

**Purpose of work:** elaboration of research proposals and practical recommendations on improving scientific and methodological bases of the mechanism of commercial banks' asset management in the conditions of economic liberalization.

**Methods of research:** classification, comparison, economic and statistical analysis, systemic analysis, induction and deduction.

**The results obtained and their novelty:** problems of asset management in commercial banks in the competitive environment determined; proved the need for formulation of improved strategy for asset management of commercial banks and developed the method of implementing the proposed strategy; recommended system for evaluation of internal and external factors effecting commercial banks assets management; determined problems of risk assessment in the system of commercial banks asset management and proposed improved method of risk management; proved recommendations on improving of organizational mechanism of asset management in commercial banks; elaborated proposals on increasing effectiveness of commercial banks' asset management; recommended improved method of organizing monitoring in the system of commercial banks' asset management.

**Practical value:** The developed scientific proposals and practical recommendations of the research can be used to develop measures aimed at improving the efficiency of commercial bank assets management.

**The degree of implementation and economic efficiency:** Scientific proposals and practical recommendations of the dissertation have been accepted for implementation in the process of improving the mechanism of bank asset management in OJSC "Aloqabank". Materials of this research can be used in improving the curriculum of courses on "Banking", "Money, Credit and Banking", "Banking management", "Financial Management" and in the course of their teaching in the higher educational institutions.

**Field of application:** asset management of commercial banks.



Босишга рухсат этилди 07.06.2011. Қогоз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Ҳисоб-нашр табоғи 1,5. Адади 100.  
Буюртма рақами №16

«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI» босмахонаси  
100003. Тошкент. Олмазор, 171-уй.